

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**БАЛИЕВ ШАВКАТ КУЧКАРОВИЧ**

**СИГИРЛАРДА ЭНДОМЕТРИТНИ ДАВОЛАШ ВА  
ОЛДИНИ ОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**16.00.02-Хайвонлар патологияси, онкологияси ва морфологияси.  
Ветеринар акушерлиги ва хайвонлар репродукцияси биотехникаси**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УЎК: 619.616.993.192.615

**Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
ветеринарным наукам**

**Content of the abstract of doctoral dissertation (PhD) on veterinary sciences**

**Балиев Шавкат Кучкарович**

Сигирларда эндометритни даволаш ва олдини олишни такомиллаштириш... 5

**Балиев Шавкат Кучкарович**

Усовершенствование лечения и профилактики эндометрита у коров..... 23

**Baliev Shavkat Kuchkarovich**

Improving the treatment and prevention of endometritis in cows..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 44

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**БАЛИЕВ ШАВКАТ КУЧКАРОВИЧ**

**СИГИРЛАРДА ЭНДОМЕТРИТНИ ДАВОЛАШ ВА  
ОЛДИНИ ОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**16.00.02-Хайвонлар патологияси, онкологияси ва морфологияси.  
Ветеринар акушерлиги ва хайвонлар репродукцияси биотехникаси**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/V3 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Ветеринария илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси ([www.samvmi.uz](http://www.samvmi.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Эшбуриев Бахтияр Маматқулович  
ветеринария фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Ниёзов Хаким Бақоевич  
ветеринария фанлари доктори, доцент  
Маматов Шавкат Содиқович  
ветеринария фанлари номзоди


**Етакчи ташкилот:** Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси


Диссертация ҳимояси Самарқанд ветеринария медицинаси институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.06/30.12.2019.V.12.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «18» 01 соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел.: (99866) 234-76-86; e-mail: [samvmi@edu.uz](mailto:samvmi@edu.uz)).


Диссертация билан Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (14289 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел.: (99866) 234-76-86).

Диссертация автореферати 2021 йил «29» 12 куни тарқатилди.  
(2021 йил «29» 12 даги № 16 - рақамли реестр баённомаси).



 **Х.Б.Юнусов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, биол.ф.д., профессор

 **Ш.Х.Курбанов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, вет.ф.н., доцент

 **Қ.Н.Норбоев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, вет.ф.д., профессор

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунё миқёсида маҳсулдор сигирлар орасида гинекологик касаликлар, жумладан эндометритларнинг кенг тарқалиши кузатилмоқда. «Чорва ҳайвонлари орасида акушер-гинекологик касалликларнинг тарқалиши ўртача 26,3 фоизни, шундан эндометритлар 9,8 фоизни, йўлдош ушланиб қолиши 7,8 фоизни, бачадон субинволюцияси 5,2 фоизни ташкил этади»<sup>1</sup>. Шу сабабдан чорвачилик соҳаси ривожланган мамлакатларда эндометритларни тарқалиш жараёнини ўрганиш, замон талабларига мос даволаш ва профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Дунёнинг турли давлатларида маҳсулдор соғин сигирлар орасида турли гинекологик касалликлар, жумладан, эндометритларнинг ривожланиши рационларнинг такомиллашмаганлиги, модда алмашинувларининг бузилишлари, антисанитария шароитлари ва турли стресс омиллар натижасида организм табиий резистентлигининг пасайиши, микроорганизмлар патогенлик хусусиятларининг кучайиши оқибатида кўп қайд этилиб, ушбу патологияни ўрганилиши долзарб ҳисобланади.

Республикамызда чорва ҳайвонлари, айниқса сигирларнинг гинекологик касалликларини камайтириш, уларни даволаш ва олдини олишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирларни амалга ошириш энг асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлган чорвачиликни ривожлантириш ва самарадорлигини оширишда фермер ҳамда хусусий хўжаликлардаги қорамоллар бош сонини кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш, улардан соғлом бола олиш мақсадида тўғри парваришлаш ва турли юқумли, инвазион ва юқумсиз хусусиятли касалликлардан сақлаш муҳим аҳамиятга эга. Маҳсулдор сигирлар орасида эндометрит, йўлдошнинг ушланиб қолиши, бачадон субинволюцияси ва бошқа акушер-гинекологик касалликлар кенг тарқалган бўлиб, ушбу касалликларни самарали даволаш ва олдини олишда биологик ва кимёвий препаратларнинг етишмаслигини камайтириш, самарадорлиги юқори маҳаллий препаратларни кенг қўллаш билан ушбу патологияларни даволаш ва олдини олишнинг камчиқим, ресурстежамкор усуллари ишлаб чиқиш ва чорвачиликда долзарб муаммо бўлиб келмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «.....қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш»<sup>2</sup>га алоҳида урғу берилганки, бу борада қорамолларнинг акушер-гинекологик касалликларига тезкор ташхис қўйиш, уларни даволаш ва олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, ҳамда уни амалиётга жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартдаги ПҚ-4254-сон «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш

<sup>1</sup>Варава А. Е. Распространение послеродового эндометрита у коров в хозяйствах Ростовской области МВНПК – 2017. 14 с.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ва 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сонли «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиш доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сигирларда эндометритларнинг тарқалиши, учраш даражаси, клиник белгилари, диагностикаси, патоморфологик ўзгаришлар, даволаш ва олдини олиш муаммолари бўйича тадқиқотлар республикаимиз олимлари Г.С.Пўлатов, Б.Ф.Мўртазин, Б.М.Эшбуриев, Ш.Б.Ата-Курбанов, О.Ў.Қўлдошевлар томонидан олиб борилган.

Чет эллик олимларидан Ф.И.Василевич, А.Г.Хмилов, А.С.Киржаев, А.П.Олейнин, И.Ф.Заянчковский, Н.Н.Михайлов, П.И.Полянцевлар, шунингдек, С.В.Шабуник, Е.М.Ауеуб, Мс.J.Bride, M.Schmiderer ва бошқа чет эл олимлари томонидан сигирларда эндометритларнинг клиник белгилари, кечиш хусусиятлари, касалликларни даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлари ўрганилган.

Шунга қарамасдан Республикаимизга чет давлатлардан олиб келинаётган маҳсулдор сигирлар орасидан эндометритнинг тарқалиши сабаблари ва кечиш хусусиятлар ўрганилмаган. Самарали даволаш ҳамда олдини олиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари Ветеринария илмий-тадқиқот институтининг №ҚХИ-5-032-2014-«Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини сунъий уруғлантиришда музлатилган уруғни суюлтирувчи натрий цитрат тузининг 2,9 фоизли эритмасини ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва жорий этиш» (2012-2013 йй.), №ҚХИ-5-068-2016-«Қорамолларнинг пуштсизлигини олдини олиш ва даволашда «Карбаказ» препаратини республика хўжаликларидида жорий этиш» (2016-2018 йй.), №ҚХА-9-018-2015-«Наслли сигирларда елин (маститлари MASTETES) ва туёқ чириши касалликларини келиб чиқиш сабабларини ўрганиш, уларни олдини олиш ва даволашнинг самарали усулларни яратиш» (2015-2017 йй.), ва №БВ-А-ҚХ-2018-17-«Сигирларнинг акушер гинекологик касалликлари-ни даволаш, сервис даврини қисқартириш ҳамда суъний уруғлантиришни янги усул ва воситаларини яратиш» (2018-2020 йй.) мазуларидаги илмий-амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** сигирлар орасида бачадон касалликларининг асосий қисмини ташкил этган эндометритларнинг учраш даражаси, сабаблари, кечиш турларини аниқлаш, тезкор ташхис қўйиш, даволаш ва олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

фермер хўжаликлари шароитида сигирлар орасида бачадон касалликларининг тарқалиши, асосий турлари ҳамда уларнинг хўжаликларга келтирадиган иқтисодий зарарини аниқлаш;

сигирларда эндометритларнинг сабаблари, патогенези, клиник белгилари, қондаги ўзгаришларни аниқлаш ва касалликка эртачи ташхис қўйиш усулларини ишлаб чиқиш;

сигирларда эндометритларни даволашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш;

эндометритларни олдини олишга қаратилган профилактик тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларининг чорвачилик фермер хўжаликлари шароитида сақланаётган сигирлар, акушер-гинекологик касалликларга чалинган сигирлар ва улардан олинган патологик материаллар, микроорганизмлар ва кимёвий препаратлардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг предмети** эндометрит билан касалланган сигирлар, қоннинг морфобиокимёвий кўрсаткичлари, лейкоформула кўрсаткичлари, касалланган сигирлар жинсий йўлларида олинган намуналарни бактериологик текшириш натижасида ажратиб олинган қўзғатувчилар ва даволаш учун ишлатилган кимётерапия препаратлар ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотларда клиник, морфологик, гематологик, бактериологик, микроскопик, рационлар таҳлили, вариацион ва корреляцион таҳлили усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

қормолчиликга ихтисослашган фермер хўжаликлари шароитида маҳсулдор сигирларда эндометритларнинг келиб чиқиш сабаблари ва кечиш турлари аниқланган;

эндометрит билан касалланган сигирлар цервикал каналдан олинган патологик материалларда микроорганизмларнинг асосий турлари аниқланган ҳамда уларнинг антибиотиклар ва терапевтик воситаларга сезувчанлиги аниқланган;

маҳсулдор сигирларда туққандан кейинги эндометритни даволашда «Карбоказ» препаратини «Утератон» препарати билан биргаликда қўллаш услуби яратилган;

сигирларда эндометритларни олдини олишда «Карбоказ» препаратини қўллаш ҳамда озиқлантириш ва парваришлаш шароитларини зоогигиеник талабларга мослаштиришни ўз ичига олган профилактик мажмуа ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қўйидагилардан иборат:

республикамиз чорвачилик фермер хўжаликлари ва аҳолига қаршли сигирларда эндометритларнинг учраш даражаси, келиб чиқиш сабаблари ва кечиш турлари аниқланган;

эндометрит билан касалланган сигирлар сервикал каналидан олинган патологик материалларда микроорганизмларнинг асосий турлари ҳамда уларнинг антибиотикларга ва терапевтик воситаларга сезувчанлиги аниқланган;

маҳсулдор сигирларда эндометритни даволашда «Карбоказ» препаратини «Утератон» препарати билан биргаликда қўллаш услуби яратилган;

сигирларда эндометритларни олдини олишда Карбоказ препаратини қўллаш ҳамда парвариш ва озиклантиришни меъёрлаштиришдан иборат профилактик мажмуа ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** текширишларнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, морфологик, бактериологик услублардан фойдаланиш ва бошланғич маълумотларга ишлов бериш, шунингдек, олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан тўғри келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, шунингдек, лаборатория ва дала тажрибаларининг далолатномаларга асосланганлиги, олинган натижаларнинг мутахассислар томонидан тасдиқлаб баҳоланганлиги ва изланиш натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чорвачиликни ривожлантиришга катта иқтисодий зарар келтираётган сигирларнинг эндометрит касаллигини кечиш хусусиятлари, ушбу касалликнинг тарқалиш жараёнини таҳлил қилиш, қарши курашиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиши, касалликларни даволаш ва олдини олишда зарур бўлган тизимларнинг назарий асосларини ишлаб чиқишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳозирги вақтда сигирлар орасида эндометритни тарқалиш тенденцияси, уларга қарши курашишнинг аниқ усуллари ишлаб чиқилганлиги, касалликни даволашда ва олдини олишда янги, маҳаллий препаратларнинг ветеринария амалиётига жорий этилиши натижасида чорвачиликка етказилаётган иқтисодий зарарнинг олди олинганлиги билан тавсифланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сигирларда эндометритни даволаш ва олдини олишни такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган натижалар асосида:

Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг «Сигирлар эндометритини олдини олиш усулини ишлаб чиқиш» (№IAP 05406), «Йирик шохли ҳайвонларнинг эмбрионал ўлимини олдини олиш учун препарат» ишланмаларига патентлар олинган (№IAP 05937) ва ветеринария амалиётига жорий қилинган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2021 йил 26 августдаги 02/23-255-сон маълумотномаси). Натижада сигирларда эндометритларни эртачи ташхислаш, даволаш ва олдини олишга эришилган;

эндометритга ташхис қўйишда самарали усулнинг қўлланилиши, даволаш ва олдини олиш тадбирларини яхшиланиши ҳисобига мазкур касалликнинг учраши 1,5-2,0 мартага камайган, йиллик иқтисодий самарадорлик 1 бош



ҳисобига 6,5 млн сўмни, сарфланган 1 сўм ҳаражатга ўртача 27,24 сўм иқтисодий фойда олинган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2021 йил 26 августдаги 02/23-255-сон маълумотномаси);

сигирларда эндометритни даволаш учун «Карбоказ» препаратини қўллаш усули ишлаб чиқилган ва Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларининг Пастдарғом тумани «Чортут» фермер хўжалиги, «Беш бола», Китоб туманидаги «Нигина бону Саид қизи Д» чорвачилик хўжаликларига жорий қилинган. (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2021 йил 26 августдаги 02/23-255-сон маълумотномаси). Натижада чорвачилик хўжаликларида сигирларда эндометритни даволашда маҳаллий Карбоказ препаратини қўллаш билан уларнинг 75-85% соғайишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари жами 7 та, шу жумладан 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола республика журналларида нашр этилган ва 2 та патент олинган. Олинган натижалар асосида 2 та тавсиянома чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалиётга тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, мавзунинг Республика фан ва технологияларни ривожлантириш устивор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиёт маълумотларининг таҳлили**» деб номланган биринчи боби уч қисмга бўлинган бўлиб, биринчи қисмида сигирлар эндометритларининг тарқалиши, турлари ва келтириб чиқарувчи этиологик омилларга оид Республикамиз ва дунё олимларининг илмий тадқиқот ишлари натижалари келтирилган. Иккинчи қисмида олимлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари таҳлили асосида маҳсулдор сигирларда эндометрит касаллигининг ривожланиш хусусиятлари, этиопатогенези, симптом ва синдромлари ҳамда патологоанатомик ўзгаришлари тўғрисидаги илмий маълумотлар баён этилган.

Биринчи бобнинг учинчи қисмда сигирларда эндометритларни самарали даволаш усуллари, даволаш воситаларининг дозалари, дори воситаларининг организмга таъсири, касал ҳайвонларни даволаш ва олдини олишга оид ўтказилган илмий изланишлар натижалари ва назарий маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот материаллари ва услублари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот жойи, объекти ва услублари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Илмий тадқиқотларнинг экспериментал қисми 2010-2017 йилларда Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани «Чортут», «Беш бола» ва Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги «Нигина бону Саид кизи Д» фермер хўжаликларида бажарилди.

Тадқиқотларнинг дастлабки босқичида фермер хўжаликларидаги сигирларда акушер-гинекологик диспансерлаш ўтказиш билан уларда эндометритларнинг тарқалиши, келиб чиқиш сабаблари, кечиш хусусиятлари, симптомлари, ҳайвонларни сақлаш ва озиклантириш шароитлари ўрганилди ҳамда сигирларнинг сут маҳсулдорлиги, бепуштлик сабаблари, кўйиқиш ва уруғлантиришнинг ҳолати, молхоналарнинг ветеринария-санитария ҳолати таҳлил қилинди.

Сигирларда эндометритнинг кечиши ва симптомларини ўрганиш мақсадида хўжаликдаги сигирларда ўхшаш жуфтликлар тамойили асосида ҳар бир хўжаликдан 10 бошдан эндометрит билан касалланган сигирларда клиник текширишлар ўтказилиб, ҳайвонларнинг умумий ҳолати кўздан кечирилди, бунда иштаҳа, семизлик даражаси, шиллик пардалар ранги, тери қопламасининг ҳолати ва позаси аниқланди. 1 дақиқадаги нафас ва пульс сони, тана ҳарорати, 2 дақиқадаги руминация, ташқи ва ички жинсий органлар ва бачадоннинг ҳолати тўғри ичак орқали пайпасланиб текширилди ҳамда сигирларнинг қинидан экссудат оқишига, унинг ранги, ҳиди ва характериға эътибор берилди.

Сигирларнинг эндометрит касаллигида қоннинг морфобиокимёвий кўрсаткичларидаги ўзгаришларни ўрганиш мақсадида улардан олинган қон намуналарида эритроцитлар ва лейкоцитлар сони (Горьев санок турида), лейкоформула (суртма тайёрлаш билан микроскопик усулда), гемоглобин миқдори (Сали гемометрида), қон зардобидаги умумий оқсил миқдори (Рефрактометрик усул) аниқланди.

Акушер-гинекологик касалликлар билан касалланган сигирларнинг цервикал каналдан Н.Н.Михайлов усулида олинган намуналарда умумий қабул қилинган усулларда микробиологик текширишлар ўтказилди.

Диссертациянинг «Маҳсулдор сигирларда акушер-гинекологик диспансерлаш асосида эндометритларнинг сабаблари ва кечиш хусусиятларини ўрганиш» деб номланган учинчи бобида Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани «Чортут» фермер хўжалигида 763 бош, «Беш бола» фермер хўжалигида 205 бош ва Қашқадарё вилояти Китоб тумани «Нигина бону Саид кизи Д» фермер хўжалигида 70 бош соғин сигирларда бепуштлик, эндометритлар ва унинг сабаблари, клиник белгилари, гематологик


кўрсаткичлари ҳамда репродуктив хусусиятларини ўрганиш мақсадида ўтказилган диспансерлаш натижалари бўйича маълумотлар келтирилган.

Сигирларни акушер-гинекологик диспансерлаш билан қиндан оқайтган лохий суюқлигининг характери, бачадон субинволюцияси, эндометритлар бор йўқлиги ҳамда сигирларнинг кўйга келиши муддатлари ва уруғланиш даражаси аниқланди.

Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани «Чортут» фермер хўжалигида ўтказилган диспансер текшириш натижаларига кўра 763 бош сигирларнинг 107 боши бепушт эканлиги аниқланди. Бепушт сигирларнинг 3 бошида бола ташлаш, 31 бош сигирларда йўлдошнинг ушланиб қолиши ва оқибатда эндометрит ривожланган, 13 бошида бачадон субинволюцияси, 39 бошида эндометритлар, 21 бошида тухумдонлар гипофункцияси борлиги аниқланди.

Акушер-гинекологик диспансерлаш давомида Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани «Беш бола» чорвачилик фермер хўжалигига қарашли 205 бош сигирлардан 41 боши (20,0%), «Чортут» чорвачилик фермер хўжалигида текширилган 1038 бош сигирлардан 166 боши (16,0%) ва «Ниғинабону Саид қизи Д» фермер хўжалигида 70 бош сигирлардан 18 боши (25,7%) бепушт эканлиги аниқланди.

Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани «Беш бола» чорвачилик фермер хўжалигида текширилган 205 бош сигирлардан 41 боши (20,0%) бепуштлиги, шундан 2 бошда (4,9%) аборт, 7 бошда (17,5%) йўлдошни ушланиб қолиши, 8 бошда (19,5%) бачадон субинволюцияси, 9 бошда (22,0%) эндометрит ва 8 бош сигирда (19,5%) тухумдонлар гипофункцияси ва «Чортут» чорвачилик фермер хўжалигида текширилган 763 бош сигирлардан 107 бошида (14,0%) бепуштлик аниқланди (1-расм).



**1-расм. Чорвачилик фермер хўжаликларидида сигирлар орасида акушер-гинекологик касалликларнинг тарқалиши**

Шундан 3 боши (2,8%) аборт, 31 боши (29,0%) ҳомила йўлдошини ушланиб қолиши, 13 боши (12,1%) бачадон субинволюцияси, 22 боши (20,6%) эндометрит, 21 боши (19,6%) тухумдонлар гипофункцияси аниқланди. Қашқадарё вилояти, Китоб тумани «Нигина Бону Саид қизи Д» чорвачилик фермер хўжалигида текширилган 70 бош сигирлардан 18 бошининг (25,7%) бепуштлиги аниқланиб, шундан 2 боши (11,1%) ҳомила йўлдошини ушланиб қолиши, 4 боши (22,2%) бачадон субинволюцияси, 6 боши (33,3%) эндометрит, 3 боши (16,7%) тухумдонлар гипофункцияси билан касалланганлиги аниқланди.

Фермер хўжаликларида пода синдроматикаси эндометритлар, йўлдошнинг ушланиб қолиши, маститлар, туғруқдан кейинги ярим фалаж, бачадон субинволюцияси, субклиник кетоз, иккиламчи остеодистрофия, гиповитаминозлар ва туёқ касалликларининг учраши билан характерланди.

Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани «Чортут» фермер хўжалигида сигирлар рациона таҳлили шуни кўрсатдики, рацион таркибининг 47,4% ни макка силоси, 11,84% ни беда пичани 4,73% ни пахта шроти, 2,36% ни буғдой сомони, 14,21% ни буғдой ёрмаси, 2,10% ни макка ёрмаси, 4,73% ни арпа ёрмаси, 4,73% ни соя шроти ташкил этди.

Рационда озиклантириш меъёрларига нисбатан 0,68 озиқа бирлигини, 1970,4 г - қандни, 252 мг - каротин, 15,8 - фосфор, 45,9 г - кальцийни, 931 г - клетчаткани камлиги ва 811 г - ҳазмланувчи протеинни ортиқчалиги аниқланди. Рациондаги қанд-оқсил нисбати меъёрдаги 0,8:1 ўрнига 0,35 ни, фосфорнинг кальцийга нисбати меъёрдаги 1:2 ўрнига 0,8 ни ташкил этди.

«Беш бола» фермер хўжалигига қарашли сигирлар рационининг таҳлили шуни кўрсатадики, сигирлар рациона силос-концентрат типда бўлиб, рационнинг умумий тўйимлиги 14,48 озиқа бирлигини ташкил этиб, озиклантириш меъёрларига нисбатан 0,8 озиқа бирлигига камлиги, қандни 406 г, фосфорни - 10,4 г, каротинни - 248 мг, кальцийни - 19,27 г ва клетчаткани - 417,8 граммга етишмаслиги ҳазмланувчи протеинни - 416,4 г ортиқчалиги аниқланди.

Рациондаги қанд-оқсил нисбати меъёрдаги 0,8:1 ўрнига 0,50:1 ни ташкил этди. Соғин сигирлар рациондаги каротиннинг миқдори меъёрдаги 500 мг ўрнига 252 мг ни ташкил этди.

«Нигина бону Саид қизи Д» фермер хўжалигига қарашли сигирлар рационининг таҳлили шуни кўрсатдики, рационнинг умумий тўйимлиги 7,55 озиқа бирлигини ташкил этиб, тавсия этилган озиклантириш меъёрларига нисбатан 2,45 озиқа бирлигига кам, ҳайвонлар организмнинг тўйимли моддаларга нисбатан эҳтиёжларининг қондирилиши 75,5 фоизни ташкил этди. Рациондаги ҳазмланувчи протеин 1102 граммни, у билан ҳайвонларнинг таъминланиши 110,2 фоизни, рациондаги қанднинг миқдори меъёрдаги 900 г ўрнига 435,8 граммни ташкил этди. Ҳайвонларнинг енгил ҳазмланувчи углеводларга нисбатан эҳтиёжларининг қондирилиши 44,4 фоизни, қанд-оқсил нисбати 0,39 ни ташкил этди. Сигирлар рациондаги каротиннинг миқдори меъёрдаги 450 мг ўрнига 276 мг ни ташкил этди.

Ҳайвонларнинг кальций билан таъминланиши 149,5 фоизни, фосфор билан таъминланиши эса 61,25 фоизни, фосфорнинг кальцийга нисбати меъёрдаги 1:1 - 1:1,3 ўрнига 0,28:1 ни ташкил этди.

Сигирларнинг озиқа рационлари улар организмнинг тўйимли ва биологик фаол моддаларга нисбатан эҳтиёжини тўлиғича қондирмайди, рациондаги қандни ҳазмланувчи протиенга нисбати, фосфорнинг кальцийга нисбати паст, бу ўз навбатида организм умумий резистентлигининг пасайиши, моддалар алмашинувининг бузилишига олиб келади, натижада турли акушер-гинекологик касалликларнинг ривожланиши, жумладан эндометритларнинг келиб чиқишида асосий этиологик омиллар ҳисобланади.

Сигирларда эндометритнинг кечиши ва симптомларини ўрганиш мақсадида хўжаликдаги сигирларда ўхшаш жуфтликлар тамойили асосида ҳар бир хўжаликдан эндометрит эканлиги аниқланган сигирларда клиник текширишлар ўтказилди.

Эндометрит бўлган 16 бош сигирнинг 10 бошида бачадон субинволюцияси, ректал текширишда флукутация бериши, ётган пайти қиндан қўланса хидга эга бўлган сарғич йирингли катарал экссудат оқиши кузатилди. Хўжаликда эндометрит бўлган сигирларнинг ўртача 70-80 фоизида (39 бошдан 31 бошида) йўлдошнинг ушланиб қолиши кузатилди.

Сигирларда эндометритлар асосан ўткир кечиб, уларда иштаҳанинг йўқолиши, сут маҳсулдорлигининг кескин камайиши, пульс ва нафаснинг ўртача текширишлар бошида 80,4 марта ва 30,8 марта шунга мос равишда 88,6 ва 36,2 мартагача ошганлиги характерли бўлди.


Бу хўжаликларда ҳам сигирларда қиндан сарғич йирингли катарал суюқликнинг оқиши, тана ҳароратининг ўртача 40,0-40,5<sup>0</sup>С гача кўтарилиши, 1 дақиқадаги пульс сонининг ўртача 82,6 мартадан 88,9 мартагача, нафас олиш сонининг ўртача 26,4 мартадан 32,4 мартагача ошиши, руминациянинг 2 дақиқада ўртача 3,3 мартадан 2,8 мартагача камайиши аниқланди.

Чортут фермер хўжалигида голштин зотига мансуб эндометрит бўлган сигирлардан ўхшаш жуфтликлар тамойили асосида 39 бошдан иборат эталон гуруҳ ажратилиб, қондаги морфобиокимёвий ўзгаришлар ўрганилди. Тадқиқот натижаларига кўра каслликнинг бошланғич даврида қондаги гемоглобин миқдори ўртача  $8,4 \pm 0,03$  г/% ни ташкил этган бўлса, касалликнинг 6-қунига келиб, ўртача  $6,2 \pm 0,05$  г/% гача камайиши кузатилди.

Қондаги эритроцитлар сони касалликнинг бошида ўртача  $5,28 \pm 0,01$  млн/мкл, касалликнинг 6-қунига келиб  $4,82 \pm 0,01$  млн/мкл гача, лейкоцитлар миқдори шунга мос равишда  $11,8 \pm 0,8$  минг/мкл дан  $12,7 \pm 0,6$  минг/мкл гача ошиши, умумий оксилни ўртача  $74,6 \pm 1,4$  г/л дан  $70,8 \pm 2,5$  г/л гача камайиши билан кечиши аниқланди. Лейкоформулада текширишлар охирига келиб, базофиллар ўртача 1,0%, эозинофиллар 11,0%, таёқча ядролилар 4,0%, сегмент ядролар 19,0%, лимфоцитлар 61,0% ва моноцитлар 5,0% ни ташкил этди.

Беш бола фермер хўжалигида сигирлар қонидаги гемоглобин миқдори касалликнинг бошида ўртача  $8,3 \pm 0,02$  г/% ни ташкил этган бўлса, касалликнинг 6-қунига келиб -  $6,4 \pm 0,06$  г/% гача камайиши характерли бўлди. Қондаги

эритроцитлар сони текширишлар охирига келиб ўртача  $4,94 \pm 0,05$  млн/мкл гача, лейкоцитлар сонининг ўртача  $12,8 \pm 0,8$  минг/мкл дан  $13,0 \pm 0,8$  минг/мкл гача кўпайиши, умумий оксилни ўртача  $76,2 \pm 1,4$  г/л дан  $71,8 \pm 2,5$  г/л гача камайиши билан кечиши аниқланди (2-расм).



**2-расм. Сигирлар қонининг морфобиокимёвий кўрсаткичлари**

Лейкоформулада базофиллар 1,0%, эозинофиллар 9,0%, таёқча ядролилар 3,0%, сегмент ядролилар 20,0% лимфоцитлар 61,0% ва моноцитлар 6,0% га тенг эканлиги намён бўлди. Лейкоформулада эозинофилларнинг 3,0 фоизга камайиши, лимфоцит ва моноцитларни 1,0 фоизга ортиши кузатилди.

«Нигина бону саид қизи Д» фермер хўжалигидаги эндометрит билан касалланган сигирлар қонидаги гемоглобин миқдори таҳлил қилинганда касалликнинг 6- кунига келиб ўртача 1,8 г/% га, эритроцитлар сони 0,2 млн/мкл га, қон зардобдаги умумий оксил миқдорини - 4,0 г/л га камайиши, лейкоцитлар сонини - 0,8 минг/мклга ортиши билан характерланди.

Лейкоформулада базофиллар 1,0% ни, эозинофиллар 12,0%, таёқча ядролилар 2,0 фоиз, сегмент ядролилар - 18,0% лимфоцитлар - 63,0% ва моноцитлар - 7,0% га тенг бўлди. Лейкоформулада эозинофиллар, лимфоцит ва моноцитларни 1,0 фоизга камайиши аниқланди.

Пастдарғом тумани «Беш бола» чорвачилик фермасида эндометрит билан касалланган сигирлар цервикал каналдан олинган наъмуналар лабораторияга олиб келиниб, наъмуналар гўшт-пептон-бульони (ГПБ) ва гўшт-пептон-агарига (ГПА) экилди ва термостатда  $38^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 24 соатга сақланди. Экмалар термостатдан олиб кўрилганда пробиркадаги муҳит бир хилдаги лойқаланиш ва юзасида оқ парда ҳосил бўлганлиги кузатилди. (ГПБ) Бульондан тайёрланган суртмаларда улар кўпинча майда бўялган тайёкчаларга ўхшаб кўринди, (ГПА)

агардан тайёрланганда эса стафилококкага ўхшаш кўринди.

Махсус бактериологик пипетка ёрдамида ГПБ нинг тубида (пробирка тагида) 1 мм қалинликда чўкма ҳосил бўлди. Экмаларда диаметри 0,7-1,0 мкм, грамм мусбат стафилакоклар, диаметри 0,5 мкм, грамм мусбат стрептококлар, диаметри 0,5 мкм, грамм мусбат диплококлар ўсиши мумкин.

ГПАда юмалоқ шаклдаги юзаси унча тиниқ бўлмаган 3 мм катталиқдаги колониялар пайдо бўлди, уларнинг ранги ялтироқ оқиш рангда кўринди.

Патологик материалдаги микрофлораларнинг антибиотикларга сезувчанлигини аниқлаш мақсадида ГПА муҳитида ўстирилган стафилакок ва стрептакоклар колониясидан биттадан стерил шароитида олиниб, қон зардобли бульонга экилади, термостатга 38<sup>0</sup>С 18 соат давомида қўйилди ва шунга параллел равишда ГПА муҳитида ўстирилган стафилакок ва стрептакоклар колониясидан биттадан қонли агар юзасига бактериологик таёкча ёрдамида бир хилда суртилди. Иккала Петри косачаси ҳам 38<sup>0</sup>С ҳароратдаги термостатга 18 соат давомида қўйилди. Қонли асосли агар муҳити бўлган Петри косачаси термостатда 38<sup>0</sup>С ҳароратда 20-40 дақиқа давомида қўйилди. 40 дақиқадан кейин ўстирилган Петри косачаси боксга олиб кирилиб, муҳит юзасига мухсус антибиотиклар шимдирилган дисклар 2 см оралиқ билан қўйиб чиқилди ва петри косачасининг орқа қисмига сезгирлигини аниқлаш учун қўйилган антибиотик номи ёзилиб, 38<sup>0</sup>С ҳароратдаги термостатда 24 соат давомида сақланади.

Петри косачаси 24 соатдан кейин термостатдан олиниб, антибиотиклар шимдирилган дисклар атрофидаги микроорганизмлар колониялари ўсмаган доира юзасини ўлчаш билан уларнинг антибиотикларга сезувчанлиги аниқланаганда натижа қўйидаги кўринишда бўлди: Корбаказ препарати - 26 мм; Эритромицин - 23 мм; Лимоксин - 100-22 мм; Рефампексин - 23 мм; Стриптомицин - 18 мм.

Диссертациянинг «**Сигирларда эндометритларни даволаш ва олдини олиш тажрибаларининг натижалари**» деб номланган тўртинчи бобида эндометритларни даволаш ва олдини олиш бўйича ўтказилган тажриба натижалари баён этилган.

Биринчи босқич тажрибада: Тадқиқотнинг биринчи босқич тажрибалар эндометритни даволаш воситаларини танлаш ва дори препаратларининг ҳайвонлар организмига таъсир механизмини ўрганиш мақсадида Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани «Беш бола» ва «Чортут» фермер хўжалиқларида олиб борилди. Бунинг учун хўжалиқлардаги соғин сигирлардан ҳар бирида 3 бошдан эндометрит билан касалланган сигирлар бўлган 3 та гуруҳ ташкил этилди.

Биринчи тажриба гуруҳидаги сигирларга «Карбаказ» препаратидан 5 мл/100 кг дозада бачадонга юборилди. Утеротон – 10 мл тери остига, Пенстреп - 400 – мускул орасига 10 мл қунига бир марта инеъция қилинди.

Иккинчи тажриба гуруҳидаги сигирларни даволашда йодопен – 2 дона бачадонга юборилди, утеротон – 10 мл тери остига, пенстреп-400 – 20 кг тирик вазни ҳисобига 1 млдан мускул орасига юборилди.

Учинчи назорат гуруҳидаги сигирларни даволашда калий перманганатнинг 0,1% ли эритмасидан – 5 л бачадонни ювиш учун қўлланилди, фуразолидон таёқчаси – 4 дона бачадонга юборилди, Пенстреп-400 антибиотигидан 20 кг тирик вазни ҳисобига 1 мл дан мускул орасига инъекция қилинди (Хўжаликда жорий этилган анаънавий даволаш усули). Даволаш тажрибалари ўртача 5-7 кун давом этди. Даволашнинг 1-, 3- ва 7 кунлари тажрибадаги сигирлар клиник-гематологик текширишлардан ўтказиб турилди. Сигирларнинг репродуктив хусусиятлари ҳам ўрганилиб, назорат қилиниб борилди.

Чортут фермер хўжалигида эндометрит билан касалланган сигирлар клиник текширишлардан ўтказилганда сигирларнинг барчасида тажрибаларнинг бошида иштаҳанинг пасайиши, семизлик даражасининг ўртадан паст бўлиши, шиллик пардалар рангининг оқариши, тери қопламасининг хурпайиши, айрим сигирларда букчайиб туриш позаси, сийдик чиқаришнинг тўхтаб-тўхтаб бўлиши, қиндан қўланса ҳидли сарғич йирингли катарал суюқликнинг вақти вақти билан оқиши каби симптомлар кузатилди. Ташқи жинсий органлар ва қин шиллик пардаларининг гиперемияси, бачадон субинволюцияси борлиги аниқланди.

Биринчи тажриба гуруҳида даволашнинг 3-кунига келиб сигирлар тана ҳароратининг меъёрий кўрсаткичлар даражасига тушганлиги (ўртача  $39,2 \pm 0,06$ ), пульс ва нафас сонининг шунга мос равишда ўртача  $68,6 \pm 2,6$  мартага ва  $25,4 \pm 0,5$  мартага тенглашганлиги, катта қорин деворининг 2 дақиқадаги қисқаришлари сонининг ўртача  $4,0 \pm 0,12$  мартагача ошиши кузатилди.

Даволашнинг 7-кунигача бу гуруҳдаги сигирлардан қиндан суюқликнинг оқиши тўлиқ тўхтаганлиги, қин шиллик пардаларидаги шишишларнинг қайтганлиги, кучаниш билан сийдик чиқариш позалари бутунлай тўхтаганлиги намоён бўлди. Бачадоннинг ҳолати ректал усулда текшириб ўрганилганда бачадон тос бўшлиғида жойлашиб, ўз ҳолатига қайтганлиги аниқланди.

Иккинчи тажриба гуруҳидаги сигирларда бу клиник кўрсаткичларнинг тажрибалар давомида ўзгариб бориши кузатилди. Касал ҳайвонларда касалликнинг бошида тана ҳароратининг ўртача  $39,9 \pm 0,04^{\circ}\text{C}$  ва 3- куни ўртача  $39,5 \pm 0,05^{\circ}\text{C}$  гача тушиши, 1 дақиқадаги пульс сонининг шунга мос равишда ўртача  $82,4 \pm 3,0$  мартдан  $68,6 \pm 2,6$  мартагача, нафас олиш сонининг ўртача  $30,4 \pm 0,4$  мартадан  $25,4 \pm 0,5$  мартага камайиши, руминациянинг 2 дақиқада ўртача 3,0 мартадан 4,0 мартагача ошганлиги аниқланди. Тажриба гуруҳидаги сигирларда даволашнинг 7-кунига келиб ҳеч қандай асоратлар қайд этилмади.

Назорат гуруҳида эса барча клиник кўрсаткичларнинг ижобий томонга ўзгариши паст даражада бўлиб, тана ҳароратининг даволашнинг 7-кунида ҳам  $39,7 \pm 0,05^{\circ}\text{C}$  ни ташкил этди. 1 дақиқадаги пульс ва нафас сонининг тажрибанинг 7- кунига келиб, шунга мос равишда ўртача  $84,8 \pm 3,4$  дан  $86,8 \pm 2,8$  мартагача,  $28,4 \pm 0,6$  ва  $28,8 \pm 0,6$  мартагача ошиши, руминация кўрсаткичи тажриба охирига келиб  $3,0 \pm 0,16$  мартани ташкил этди. Бу гуруҳдаги сигирларнинг барчасида бачадон субинволюцияси аниқланди. Ректал текширишда бачадон шохлари массаж қилинганда қиндан йирингли экссудат



оқиши кузатилди.

«Беш бола» фермер хўжалигида сигирларда эндометритларни даволаш тажрибалари ўтказилди. Бунинг учун ҳар бирида 3 бошдан иборат бўлган 3 гуруҳ ташкил этилиб, юқорида қайд этилган усулларда даволаш тажрибалари ўтказилди.

Тажрибалар бошида барча тажриба гуруҳдаги сигирларда эндометритларнинг клиник белгилари иштаҳанинг пасайиши, қиндан йирингли экссудат оқиши намоён бўлиб, сут маҳсулдорлигининг кескин камайиши кузатилган бўлса, тажрибанинг учинчи кунига келиб биринчи тажриба гуруҳидаги сигирлар умумий ҳолати ва иштаҳанинг яхшиланиши, тана ҳароратининг ўртача  $39,5 \pm 0,05^{\circ}\text{C}$  гача камайганлиги, пульс ва нафас сонининг шунга мос равишда ўртача  $76,8 \pm 2,4$  марта ва  $22,4 \pm 0,6$  мартагача камайиши, руминациянинг ўртача  $4,2 \pm 0,18$  мартагача ошиши кузатилди. Тажриба гуруҳидаги сигирларда даволашнинг 7- кунига келиб ҳеч қандай асоратлар қайд этилмади. Бу тажриба гуруҳида қўлланилган Карбоказ препаратининг терапевтик самараси юқори эканлиги тажрибалар давомида ўз исботини топди.

Иккинчи тажриба гуруҳида гуруҳидаги сигирларда касалликнинг бошида тана ҳароратининг ўртача  $40,6 \pm 0,06^{\circ}\text{C}$  ва 3-куни ўртача  $39,7 \pm 0,05^{\circ}\text{C}$  гача тушиши, 1 дақиқадаги пульс сонининг шунга мос равишда ўртача  $84,4 \pm 2,4$  мартдан  $82,8 \pm 2,6$  мартагача, нафас олиш сонининг ўртача  $30,2 \pm 0,5$  мартадан  $28,4 \pm 0,6$  мартага камайиши, руминациянинг 2 дақиқада ўртача  $3,0 \pm 0,10$  мартадан  $3,2 \pm 0,12$  мартагача ошганлиги аниқланди.

Назорат гуруҳида тана ҳарорати даволашнинг 7-куни ўртача  $40,2 \pm 0,05^{\circ}\text{C}$  ни ташкил этди. Даволашнинг 7-куни бўлишига қарамасдан соғайиш кечикаётганлиги маълум бўлди. Бундан ташқари клиник кўрсаткичларнинг ижобий томонга ўзгариши паст даражада бўлиб, 1 дақиқадаги пульс ва нафас сонининг тажрибанинг охиригича кунига келиб, шунга мос равишда ўртача  $82,6 \pm 3,6$  дан  $84,8 \pm 2,8$  мартагача,  $30,4 \pm 0,5$  ва  $32,6 \pm 0,6$  мартагача ошиши, руминациянинг даволашнинг еттинчи кунига келиб ўртача  $2,8 \pm 0,12$  мартани ташкил этиши аниқланди.

